

Бахтиёр МАНСУРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”
кафедраси таянч докторанти
mansurov-bahtier@mail.ru

“АЛ – МУФАССАЛ” АСАРИДАГИ ОЯТ ВА ҲАДИСЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

ГРАММАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АЯТОВ И ХАДИСОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ

“АЛ – МУФАССАЛ” DEVELOPMENT OF ARABIC GRAMMAR

Аннотация: Маълумки, Арабистон ярим ороли жанубий минтақаси қабилаларига хос бўлган араб тили ёзув шаклининг келиб чиқиши тарихи ислом давридан олдинги, эраиздан аввалги тўртинчи асрга бориб тақалади. Азалдан консонант ёзув ҳисобланган бу тилининг илк мустақил ёзув нормалари VI асрнинг II ярмида шаклланди.

Калит сўзлар: араб грамматикаси, араб мактаби, грамматика, араб тили, илк мактаб, ёзув нормалар, араблар, Куфий мактаби, Басра мактаби, Бағдод мактаби, “Муфассал”га шарҳлар.

Аннотация: Известно, что история происхождения арабского письма, характерного для племен южного региона Аравийского полуострова, восходит к четвертому веку до нашей эры, до эпохи ислама. Первые самостоятельные письменные нормы этого языка, долгое время считавшегося согласным письмом, сформировались во второй половине VI века.

Ключевые слова: арабская грамматика, арабская школа, грамматика, арабский язык, первая школа, нормы письма, арабы, школа Куфи, школа Басры, школа Багдада, Комментарии к «Муфассалу».

Abstract: It is known that the history of the origin of the Arabic scripts, which is characteristic of the tribes of the southern region of the Arabian Peninsula, dates back to the fourth century BC, before the Islamic era. The first independent writing norms of this language,

which has long been considered a consonant script, were formed in the second half of the VI century.

Keywords: Arabic grammar, Arabic school, grammar, Arabic language, first school, writing norms, Arabs, Kufi school, Basra school, Baghdad school, Comments on “Mufasssal”.

Кириш. Араб тилини ўрганиш ва унинг грамматикасини шакллантириш ҳамда тил нормаларини маълум тил қоидаларига мослаштириш VII асрнинг иккинчи ярмида куйидаги бешта сабабга кўра амалга оширила бошлади:

1. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўқиш ва тиловат қилишдаги хатоликларга йўл қўйишнинг олдини олиш;

2. Араб тили грамматикасини ўрганиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни маъно-мазмунинг баёини тўғри талкин этиш;

3. Аслида араб бўлмаганлар (аъжамлар) га араб тилини ўргатиш.

4. Маҳаллий араблашган арабларнинг асли она тили лексикасининг мумтоз араб адабий тилига кириб келишининг олдини олиш.

5. Мумтоз араб адабий тилини ўша даврларда ҳам ундан катта фарқ қилган араб шеваларининг таъсиридан асраш.

Араб тили грамматикасини ўрганиш ва уни тил нормалари ва қоидаларига солишда илк бор асли куфалик, келгусида Басра мактаби илму толиби Абу Асвад ад-Дуалий (603–688), 600 йилнинг II ярмида асос солди [16:30]. У биринчи навбатда араб сўзларини ўқишдаги хатоликларнинг олдини олиш мақсадида, ҳарфларга нуқталар қўйиш ва қисқа унлиларни жорий қилиш орқали амалга оширди. Сўнгра сўз туркуми ва бирикмалари, келишиклар, феъл ва юкламалар ҳақидаги мулоҳазаларни жамлади. Шу тариқа араб грамматикасига асос солиниб, келгусида араб тилини ўргатувчи мактабларни вужудга келишига замин яратилди. VIII асрда араб мактабларининг илк намуналари Ироқнинг Басра шаҳрида Абу Амром ибн ал-Аъла асосчилигида “Басра мактаби”, сўнгра Куфа шаҳрида Абу Джафар ар-Рауси асосчилигида “Куфа мактаби” номи билан вужудга келди. X асрда ушбу икки мактаб асосида “Бағдод мактаби” барпо этилди. “Басра” ва “Куфа”

мактаблари орасида грамматик нормаларни талқин қилишда ўша даврларда ҳам кўпгина тафовут ва мунозаралар мавжуд бўлган.

Бобокалономиз Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий (1075–1144) мантиқ, теология, шеърят, адабиётшунослик, педагогика, тарих ва жуғрофия, луғатшунослик, лаҳжашуносликка оид 50 дан зиёд асар битган. Шу билан бир қаторда, араб тили грамматикасига оид ўндан зиёд илмий асар яратиб, араб тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида беназир из қолдирган [5:152,153]. У барча асарларини араб тилида ёзган. Асарлари нафақат ўрта асрларда, балки ҳозирги кунимизда ҳам грамматика соҳасида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Маҳмуд Замахшарийга қадар араб тили грамматикасига хос бир қанча асарлар яратилганига қарамай, тилни янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиб, уни тизимли, мукамал бир тартибга солиш зарурати ҳали ҳам мавжудлиги сабабли “Ал-Муфасссал” асари яратилди. Таъкидлаш жоизки, ўша даврда грамматик ва тажвид қоидалари қасидаларда битилган бўлиб, уни илму толиблар фақат ёд олиш орқали ўзлаштирганлар. Хусусан, бағдодлик араб тилининг билмдони ва шоир Мазаҳим ал-Ҳаканий (862 – 937) тажвид илми қоидаларини мужассам этувчи 51 мисрадан иборат қасида ёзган. Ўқувчилар тажвид қоидаларига бағишланган айни шу қасидани ёдлаганлар[15:274]. Маҳмуд Замахшарий грамматик қоидаларни таърифлаш ва мустаҳкамлашда – Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф матнларидан кенг қўламда фойдаланди. Замахшарий китоби ибтидосида уни ёзишдан қўзланган мақсад, ундаги услуб ва баён этилган рукнлар ҳақида қисқача маълумотлардан иборат кириш сўзининг тақдим этилиши бошқа тилшунослар асарида учрамайди. Илму фан тараққиёти йўлида қўшган улкан ҳиссаларини инобатга олиб, бобокалономиз Маҳмуд Замахшарийни “Бутун дунёнинг устози”, “Араблар ва ғайри арабларнинг устози”, “Аллоҳнинг қўшнисини”, “Хоразм фахри”, “Адабиётшунослар каъбаси” каби ўта шарафли лақаблар билан

атаганлар. Зотан, “Ал-Муфасссал” асари шу қадар машҳурликка эришдики, ҳатто Шом ҳокими Музаффархон Мусо (1182–1237) “Ал-Муфасссал” асарини тўлиқ ёд олган кишига 5000 кумуш танга ва сарпо билан мукофот ажратганлигини эълон қилган [5:18].

Ҳозирги кунга қадар Маҳмуд Замахшарийнинг бизгача етиб келган турли соҳалардаги асарлари араб, Овропа, рус ва ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилган. Таниқли шарқшунос олим, устозимиз У.Уватов алломанинг 50 га яқин асарида 34 таси ҳақида маълумот бериб ўтган. Шу билан бирга, Замахшарийга нисбат берилган номи аниқ, лекин ҳали топилмаган 20 дан зиёд асарлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг номлари 1998 йилда Байрутда босилиб чиққан нашрда келтирилган[4:511,513].

– **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бағдод мактабининг вакили Маҳмуд Замахшарий “Ал-Муфасссал” асарини 1119–1121 йиллар мобайнида, бир йилу тўрт ой ичида Макка шаҳрида ёзиб битирган. Ушбу асар Сибавейҳи таҳаллуси билан машҳур бўлган Абу Бишр Амр ибн Усман ал-Басрийнинг (760–797) “Ал-Китоб” асарида кейинги иккинчи ўринда туради [4:138]. Аниқ ва қисқа, шунга қарамай батафсил талқин қилиниши кўра, Шарқ ва Ғарбда мумтоз араб адабий тили, араб грамматикасини ўргатувчи асар сифатида танилиб, анъанавий манбага айланди. “Ал-Муфасссал” асари ўзининг таркиби, усули ва ўзига хос услубиятда баён этилган мулоҳазалари билан, яъни араб тилидаги барча сўзларни тўрт гуруҳга исм, феъл, юкламалар ҳамда муштарак сўзларга бўлиб ўрганиши билан “Ал-Китоб” асарида фаркланиб, уни такрорламади, балки унга қиёсланган ҳолда ёзилди[14:25]. Ўша замоннинг танқидчи олимлари ҳам мазкур манбани олқишлаб, эътироф этганлар. Аксар бағдодлик тилшунослар таълим бериш билан шуғулланганлари сабабли уларнинг саъй-ҳаракатлари мумтоз араб адабий тили грамматикасини мантиқий нуқтаи назардан изоҳлашга қаратилар эди [5:4]. Шу сабабдан, Айюбийлар даврида (1169–1525) “Ал-Муфасссал” асари Миср ва Сурияда араб тили ўргатиладиган асосий дарсликка айланди. “Ал-

Муфассал” асарига турли даврларда 29 дан зиёд шарҳлар ёзилди.

Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарини ўрганиш, араб тили грамматикасини шакллантирган аждодлар асарларини назардан ўтказиш, илк араб тилини ўргатувчи мактаблар, Замахшарий даври ва ундан кейинги даврлардаги манбалардаги услубиятни қиёслаш имконини беради. “Ал-Муфассал” асарига ёзилган шарҳлар тадқиқи эса араб тили грамматикасини вужудга келиши, ривожланиш ва даврий босқичлари, ҳозирги кунда қилинаётган тадқиқотлар билан янада яқиндан танишишда хизмат қилмоқда. Шу тариқа араб тили грамматикасини негизидан ўрганиш ва унда Маҳмуд Замахшарийнинг тутган ўрни ҳақида қадимги ва бугунги кун олимлари мулоҳазаларини жамлаб, қиёслаган ҳолда янада объектив хулосалар чиқарамиз, деган умиддамиз.

Ҳозирги кунга қадар турли соҳага оид асарлари тадқиқи ёритилган бир қатор илмий асарлари мавжуд. Хусусан, устозларимиз Зоҳиджон Исломов ва марҳум Убайдулла Уватов Замахшарий ҳаёти илмий фаолиятига боғлиқ бир қатор илмий асарларини ўрганганлар. Ибн Яъийш, Ибн Ҳожиб ва Хусайн ал-Хоразмийлар эса “Ал-Муфассал” асарига шарҳлар ёзганлардан ҳисобланадилар. Ушбу муъжаз тадқиқотимизни “Ал-Муфассал” асарида Куръони карим ва ҳадиси шарифларда келтирилган оят ва ҳадис матнларини қиёсий ўрганишга қаратганмиз.

– **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** “Ал-Муфассал” асаридаги мисол тариқасида келтирилган Куръони каримнинг 81 сурасидаги 325 та оят ва 8 та ҳадиси шарифлар ҳамда 341 та мақол ва масаллардаги матнларнинг тадқиқи мобайнида аввало, бирламчи қўлёзма асарга, сўнгра турли даврларда унга ёзилган шарҳлар ва тилшуносларнинг турли муносабатлари ҳамда ҳозирги даврдаги соҳага оид илмий ишлар таҳлилига аҳамият берилди. Бу орқали нафақат “Ал-Муфассал” асарини тадқиқ этиш, мумтоз араб адабий тили ва у асосда вужудга келган ҳозирги замон араб адабий тилини, шунингдек, араб грамматика қоидалари ва ўзбек тили грамматика нормаларининг муқоясавий таҳлилини амалга ошириш мақсад қилинди. “Ал-Муфассал” асарида баён этилган

грамматик қоидалар билан ҳозирги талабаларга тушунарли тарзда бохабар қилиш, мумтоз ва ҳозирги замон араб адабий тили ҳамда ўзбек тилидаги асарлар ҳеч бир қийинчиликларсиз у тилдан бу тилга ўгириш ва шарҳлаш имконини яратилмоқда. Шу билан бирга, қадимий қўлёзмалар ва манбаларни ўрганиш ҳам бирмунча қулайлашади. Манбаларда мисол тариқасида келтирилган матнларни ўрни келганида ўзбек тилига таржима қилишда ўзбек мумтоз адабиётига мурожаат қилиш ҳам илмий тадқиқотнинг ўзига хос услуби ҳисобланади.

– **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Юқорида таъкидлангандек, “Ал-Муфассал” асарида араб грамматика қоидалари Замахшарий томонидан маълум нормаларга солиниб, улар “Куръони карим” ҳамда “Ҳадиси шариф”ларда баён этилган оят ва ҳадислардаги матнлар мисолида исботланган, мустаҳкамланган. Маҳмуд Замахшарий ўз пайтида грамматик қоидаларни шакллантириши, уларни Сибавейҳининг “Ал-Китоб” асаридаги нормаларга қиёслаш билан араб грамматикасидаги умумий қоидаларга бўйсунувчи ҳамда истисно ҳолатлар ҳақида ҳам ўз фикрларини билдирган. Жумладан, исмий гапнинг эгаси нафақат мослашган аниқловчи билан ноаниқ ҳолатда келганида, балки агар гап мазмуни шуни тақозо этса, ноаниқ ҳолатда келиши мумкинлигига ишорат қилади:

’A rajulun fi-d-dāri – أ رجل في الدار أم امرأة ؟
'am 'imra 'atun?

Уйдаги эркакми ёки аёлми?

Ёки:

La 'abdun ... – لعبد مؤمن... (البقرة : 122)
tu 'minun[8:48].

Шубҳасиз, мўмин кул[12:35]....

Sawā 'an mahyāhum wa tamātuhum. – سواء محياهم ومماتهم ... (الجنّة : 12).

...уларнинг ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини...

Ёки:

و سواء عليهم أنذرتهم أم لم تنذرهم... (يس : 01).
Sawā 'un 'alayhim 'a 'anzartahum 'am lam tunzirhum...

Ва уларга бари бирдир – қўрқитсанг ҳам ва ёки қўрқитмасанг ҳам ...

Олд қўшимчали от кесимли гапларда эга кесимдан олдин келганда ҳам ноаниқ ҳолатда бўлиши мумкинлигини куйидаги мисолларни келтиради :

سلام عليكم – *Salāmun 'alaykum*

Салом алайкум (Сизга тинчлик-омонлик бўлсин).

ويل لكم – *Waylun lakum*

Сенга кулфат бўлсин.

Агар гапнинг эгасида шарт мазмуни бўлса, у ҳолда кесимга ف юкламаси қўшилади.

الذين ينفقون أموالهم بالليل والنهار سرا وعلانية فلهم أجرهم عند ربهم... (البقرة: 472).

Al-lazīna yunfiqūna amwālahum bi-l-layli wa-n-nahāri sirran wa 'alāniyatan falahum 'ajruhum 'inda rabbihim[14:52].

Кечасию кундузи молларини яширин ва ошкора нафақа қиладиганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир[12:46]....

Замахшарий феъл сўз туркуми ҳақида фикр мулоҳаза билдирар экан, уларни мазмунан ўтимли ҳамда ўтимсиз феълларга ажратиб, ўтимли феъл ўзидан кейин учтагача воситасиз тўлдирувчиларни олиб келиши мумкинлигини ва шу билан бирга феъл негизи олдиға ҳамзанинг қўшилиши ёки ўрта ундошнинг иккиланиши натижасида ўтимсиз феъллар ўтимлига, ўтимли феъллар эса ўта ўтимли феълларга айланишиги ишорат қилади. Бу эса араб тили грамматикасини ҳозирги замон талқинига кўра, биринчи боб феъли асосида иккинчи ва тўртинчи боб феълларини ясалиши ва шу тариқа феъл негизининг структураси ва мазмуни ўзгаришига олиб келади, деган фикрларнинг исботидир. Айни пайтда феъллар ўзидан кейин бир нечта воситасиз тўлдирувчиларни етаклаб келиши мумкинлиги тадқиқ этилади.

ضربت زيدا – *Darabtu zaydan*[14:257].

Мен Зайдни урдим.

علمت زيدا فاضلا. – *'Alimtu zaydan fādilan.*

Мен Зайдни фозиллигини билдим.

علمت زيدا رجلا فاضلا. – *'Alimtu zaydan rajulan fādilan.*

Мен Зайдни фозил кишилигини билдим.

عرفته إنسانا هادئا. – *'Ariftuhu 'insānan hādi'an* [11:697].

Мен уни хотиржам одам сифатида биламан.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Маҳмуд Замахшарий “Ал-Муфассал” асарида мумтоз араб тилидаги барча сўзларни тўртта туркумга бўлиб, мумтоз араб тилининг асосан морфология ва қисман синтаксисини ўрганишга бағишлаган. Грамматик қоидалар аввало умумийлик, сўнгра эса истиснолик ҳолатлари асосида талқин қилиниб, Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифларда баён этилган оятлар ва ҳадислардаги матнлар орқали мустаҳкамланган. Шу билан бирга ҳикматли сўзлар, иборалар ҳамда масал ва нақллардан ҳам оқилона фойдаланилган. Энг муҳими мумтоз араб тили синтаксисини талқин қилиш орқали ҳақиқий араб жумлаларини туза билиш, ўқиганда уни тўғри таҳлил қилиш усуллари тақсинга сазовордир. Араблар ёзганларида қисқа унлиларни ёзмайдилар, шу сабабдан араб тили грамматикаси билимдони бўлганлар ҳар қандай матнни беҳато, мазмун ва моҳиятига шикаст етказмай ўқий оладилар.

Барчамизга маълумки, ҳар қандай тил ўз даврий тараққиёти мобайнида ички ва ташқи таъсирларга учрайди. Замон талаби, фан ва техника ютуқлари натижасида мураккаблашади ёки соддалашади. Мумтоз араб адабий тили асрлар мобайнида иложи борица мазкур таъсирлардан тилшунослар томонидан ҳимояланиб келган. Кўпгина хорижий лексика оғзаки тилда ўз аксини топсада, араб тилшунослари унинг муқобилини адабий тилга киритишга уриндилар ва бунга қайсидир маънода уддалай олдилар. Шунга қарамай XX асрнинг II ярмида араб тилшунос ва адабиётшунослари ташаббуси билан мумтоз араб адабий тили асосида ҳозирги замон араб адабий тили шаклланди. Ушбу тил мумтоз адабий тилга қараганда грамматик нормалар жиҳатидан соддалаштирилиб, лексик жиҳатдан сўзнинг маънолар қамрови замонавийлашгани билан ажарала бошлади.

Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарида баён этилган грамматик қоидаларни шу кунгача араб мамлакатларида талқин этилаётган ҳамда араб бўлмаган юртларда бошқа тилдаги араб

тили грамматикаси дарсликлари билан қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбек тили грамматикасини яхши билган ўқувчи мумтоз ва ҳозирги замон араб адабий тили грамматикасини араб ва бошқа миллат арабшунослари асарларини қиёсий ўрганиши орқали ҳар жиҳатдан араб тилининг мукамал билимдонига айланишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдужабборов А. Араб тили. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007.
2. Берникова О.А. Арабская грамматика в таблицах и схемах. Санкт- Петербург: Каро, 2007.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Москва: Восточная литература РАН, 2001.
4. Исламов З.М. Маҳмуд Замахшарий ва унинг илмий мероси. Ўзбекистонда исломшунослик ютуқ ва истиқболлари. Тошкентда бўлиб ўтган мақолалар тўплами. Истамбул : 2020.
5. Муҳаммадходжаев Б.Х. Маҳмуд Замахшарийнинг дунё қўлёзма фондларида сақланаётган асарлари / Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2019. № 51 (289). URL: <https://moluch.ru/archive/289/65594/> (дата обращения : 19.09.2020).
6. Робокидзе Н.И. Фонетическая концепция аз-Замахшарий. // Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ. Москва: 10.02.17.
7. Талабов Э. Араб тили дарслиги. Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
8. Каримов А.У. Йеменский диалект арабского языка (лексико-грамматическая характеристика). Кандидатская диссертация. Москва: 1976.
9. Хайрутдинов А.Г. История арабского языка. Москва: Восточная Книга, 2009.
10. Халидов Б.З. Араб тили дарслиги. Тошкент: Фан, 2007.
11. Худжанова Д. Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал- аруз” асарида аруз рукналарининг илмий-назарий талқини. Илмий мақола.// ЎзРФАШИ, Meros. 1/2020.
12. Шагаль В.Э., Мерекин М.Н., Забиров Ф.С. Учебник арабского языка. Москва: Воениздат, 1983.
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири хилол. Қуръон маънолари таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2008.
14. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. Санкт- Петербург: Юридический центр Пресс, 1999.
15. تېبىرغا ملىء في لصفلاً . يرشخمز لارمء نى دمحم مساقلا وياً . م. 2004 ،عيزوتلا و رشنلا قرامء راد :نامء
16. مقرب قرهاقلاب تېرھزلأا تېتكملا تخسء ، يفاقلا حازم وياً . يھ و ،ديج خسء طخب تېوتكم (ب/71-ب/59 ق)22281(274) تلباقمء و دهعلا تئيدء
17. تېبىرغا تغللا دعاوقى في حضاولا وحنلا . نيمأى فطصمء مزاجلا يلىء . م. 1999 ،فرامعلا راد :قرهاقلا
18. ضايرلأا . يبرعلا وحنلا خيرأتى في طيسولا . دعسلأا دمحم مېركلا دبع . م. 1992 .عيزوتلا و رشنلا فاوشلار راد
19. تكررء :رصمء . (تېبىرغا تغللا دعاوقى) تيمورجلأا . مورجا نى دمحم . م. 1252 ،عيراشملا راد
20. تېبىرغا تكمملا ، لكيدى نيب تېبىرغا . خيشلا لآ ن محرلا دبع نى دمحم . م. 2014 ،تيدوعسلا